

Отаева Нодира

*Битирув малакавий иш мавзуси: Бошлангич синф
ўқувчиларида мусиқий дидни ривожлантириш*

Кириш

I боб. Мусиқа дарсларида ҳар хил мусиқа фаолиятларини бажариш, ўқувчиларда мусиқий дидни ривожлантиришнинг муҳим шартидир.

1.1.Мусиқани идрок қилишга ўргатиш фаолияти - ўқувчиларда мусиқий дид ва умумий мусиқавийликни тарбиялаш асосидир.

1.2.Мусиқа тинглаш фаолияти бўйича тавсия қилинган асарларга характеристика

1.3. Жамоа бўлиб куйлаш, ўқувчиларни умумий ва мусиқий томондан ривожлантирадиган фаолиятдир.

II боб Мусиқий қобият, ижодкорлик каби хусусиятларни тарбиялаш орқали ўқувчиларнинг мусиқий дидларни шакллантириш

2.1.Рақс ҳаракатлари бажариш ва болалар чолғуларида ижро қилиш фаолиятлари орқали ўқувчиларнинг мусиқий дид ва қобиятларини ривожлантириш масалалари

2.2.Ўқувчиларни мусиқий томондан ривожлантиришда мусиқа ижодкорлиги фаолиятининг аҳамияти

III Хулоса

Кириш

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда муҳим сиёсий - ижтимоий ўзгаришлар руй берди. Хусусан, «Таълим тўғрисида» Конун қабул қилиниб, тўққиз йиллик умумий ўрта таълим тизими жорий этилди. Таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида барча ўқув предметлари, шу жумладан мусиқа предмети бўйича ҳам янги ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу ҳолатлар миллий мусиқа устуворлиги нуқтаи назаридан қайта ишлаб чиқилган мазкур дастурда ҳам ўз аксини топди.

Жумладан, янги дастурнинг таянч нуқталари қуйидагилар билан белгиланади: Биринчидан, сабоқда мусиқанинг муайян моҳиятини тушунишга ёрдам берувчи дарсларнинг муайян мавзулари ҳар бир чорак учун белгиланган бош мавзулардан келиб чиқади.

Иккинчидан, мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш ва мусиқа саводи машғулоти дarsнинг мустақил қисми бўлиб эмас, балки дарс мавзуини очиб берувчи мусиқа фаолияти сифатида қабул этилади.

Учинчидан, дарс мавзусининг қизиқарли бўлиши ва таълим самарадорлигини ошириш мақсадида рақс ва мусиқали - ритмик ҳаракатлар, чапакда ва болалар чолғу асбоблари — шиқилдоқ, доирача, қошиқ ва бошқаларда мусиқага жўр бўлиш ҳамда мусиқа ижодкорлиги каби янги мусиқа фаолиятлари қўлланилади. Ушбу фаолиятлар замирида ўйин хусусиятлари мавжудлиги туфайли улар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бинобарин, машғулотларда қўлланиладиган барча мусиқа фаолиятлари дарс мавзусининг ажралмас қисми ва мантиқан узвий бўлаги сифатида хизмат қилади.

Мусиқа идроки дарс машғулотида етакчи фаолият сифатида муҳим ўрин тутди. Мусиқани идрок қилиш, ўқувчиларда мусиқага бўлган қизиқишларини оширади, Уларни мусиқанинг сирли оламига олиб кириб, гўзаллик туйғусини тарбиялайди, мусиқий дидларини шакллантиради. Бу эса келажакда ҳар томонлама етук инсонларнинг шаклланишига ёрдам беради. Зеро, ҳозирги даврда барча мусиқа жанрлари бир-бири билан чатишиб, телевидение, радио эфирлари турли йўналиш ва услублардаги, қўштирноқ ичидаги „мусиқа асарлари“ билан тўлиб - тошиб кетаётган бир пайтда мусиқа дарслари орқали ўқувчилар мусиқий дидларини шакллантириб бориш жуда долзарбдир. Бунда эса мусиқа дарсларида тўғри ташкил қилинган ҳар хил мусиқа фаолиятларининг аҳамияти бекиёсдир.

Мусиқа дарсида барча фаолиятлар муайян мавзу замирида мантиқан ўзаро боғланади, натижада дарснинг мантиқан бир бутунлиги вужудга келади.

Шуни алоҳида таъкидламоқ зарурки, мусиқа идроки ўзаро узвий боғланиш билан қолган барча фаолиятлар амалиётига етакчилик қилади.

Умумтаълим мактаблари ДТС ларида тинглаш, куйлаш, рақс ҳаракатлари бажариш ва бошқа фаолиятлар учун мўлжалланган

асарлар талаб даражасида берилган. Айни бир пайтда ўқитувчи дастурга киритилмаган, аммо бадиий юксак, тарбиявий жиҳатдан муҳим ва ўқувчилар идрок - амалиётига мос бўлган, уларда муסיкий дидларни шакллантирувчи янги асарлардан кенг фойдаланиш ҳуқукига ҳам эгадир.

Бошланғич синф ўқувчиларида муסיкий дидни ривожлантириш масалалари кам ўрганилганлиги ва юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда биз битирув малакавий иш мавзусини «Бошланғич синф ўқувчиларида муסיкий дидни ривожлантириш» деб олдик.

Ушбу битирув - малакавий ишнинг биринчи бобида муסיқа дарсларида ҳар хил муסיқа фаолиятларини бажариш, ўқувчиларда муסיкий дидни ривожлантиришнинг муҳим шарти, ўқувчиларда муסיкий идрокни ривожлантириш, муסיқа маданияти ва умумий муסיкавийликни тарбиялаш асоси, жамоа бўлиб куйлаш, ўқувчиларда куйлаш маданиятини тарбиялайдиган ва уларни умумий ва муסיкий томондан ривожлантирувчи фаолият эканлиги, иккинчи бобда эса рақс ҳаракатларини бажариш, болалар муסיқа чолғуларида ижро қилиш ва муסיқа ижодкорлиги фаолиятлари орқали ўқувчиларни муסיкий томондан ривожлантириш масалалари, ўқувчиларни муסיкий томондан ривожлантиришда муסיқа ижодкорлиги фаолияти муסיқа дарсларининг ажралмас қисми эканлиги каби масалалар ёритилади.

Тадқиқот мақсади:	Ўқувчилар муסיкий дидини шакллантиришда муסיқа дарслари ва ундаги муסיқа фаолиятларининг аҳамиятини ўрганиш
Тадқиқот объекти:	Бошланғич синф муסיқа дарслари
Тадқиқот предмети:	Муסיқа дарсларидаги муסיқа фаолиятлари
Тадқиқот вазифалари:	1. Муסיқа фаолиятларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш 2. Ўқувчилар ёш хусусиятлари ва муסיқа методлари ўрганиш
Тадқиқот методлари:	1. Таҳлил ва синтез 2. Махсус адабиётлар ва манбаларни ўрганиш(Черноиваненко“Методика музыкального воспитания в школе)”, ДТС, О. А. Апраксина “Методика музыкального воспитания в школе”) 3. Маълумотларни умумлаштириш, таққослаш.

4. Педагогик кузатиш

Анализ ва синтез услубидан илмий материални танлаш, ўрганиш, тадқиқот мавзусига доир фикр ва ғояларни ажратиш, тадқиқот хулосаларини чиқаришда фойдаланилади

Муסיқа ўқитиш методикаси, муסיқа тарихи, педагогика ва психология фанлари бўйича адабиёт ва манбаларни ўрганиш орқали бошланғич синфларда муסיқа дарсларининг олиб борилиш жараёнини илмий жиҳатдан асосли тарзда таҳлил қилиш мумкин. Тадқиқот мавзусига доир асосий илмий материаллар, ғоя ва фикрлар мазмуни махсус адабиётларда ўз аксини топган.

Умумлаштириш ва таққослаш услуби ёрдамида ҳар бир ўрганилаётган муаммо юзасидан хулосалар чиқарилади.

Педагогик кузатиш услуби воситасида муסיкий таълим жараёнига болалар муסיқасининг тадбиқ қилиш хусусиятлари ўрганилади.

I боб Муסיқа дарсларида ҳар хил муסיқа фаолиятларини бажариш ўқувчиларда муסיкий дидни ривожлантиришнинг муҳим шартидир.

1.1.Муסיқани идрок қилишга ўргатиш фаолияти - ўқувчиларда муסיкий дид ва умумий муסיқавийликни тарбиялаш асосидир.

Ўқувчиларда муסיқа тинглаш (муסיқа идроки) ни ривожлантириш, уларни муסיкий томондан тарбиялашдаги муҳим вазифалардан бири бўлиб, у барча фаолиятлар давомида олиб борилади. Мисол учун кўшиқни ўрганишда унинг оҳангига диққат билан қулоқ солиш зарур, куйлаётган пайтда эса муסיқа оҳангининг софлигига, аниқлигига эътибор бериш жуда муҳимдир. Болалар муסיкий чолғуларда куйга жўр бўлишда, муסיқага хос ритмик ва рақс ҳаракатлари бажаришда муסיқадаги ўзгаришларга қулоқ солиши ва ҳаракатлар орқали унга ўз муносабатини билдиришлари зарур. Шунинг билан бир пайтда муסיқа тинглаш (муסיқа идроки) муסיқа дарсларида мустақил фаолият туридир. У услубий адабиётларда муסיқа тинглаш ёки идрок қилиш деб айтилади. Бу фаолият жараёнида ўқувчилар ўзлари ижро қила олиши мумкин бўлган асарлардан мураккаброқ муסיқа намуналарини тинглайдилар. Лекин бу жараён муסיқа асарлари билан танишишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Ўқувчиларда муסיқа асарларини тушуниш кўникмаларини, малакаларини шакллантириш, уларда муסיкий, ижодий қобилиятларни ва яна шунингдек энг муҳими муסיкий дид ва қизиқишларини ўстириш жуда муҳимдир.(ММВ 68б)

Ўқувчиларда муסיкий дидни шакллантиришнинг асосини, юқори савиядаги муסיқа асарлари ва уларни ўзлаштиришга қаратилган актив муסיқа фаолияти ташкил қилади. Тўғри ташкил қилинган муסיқа

тинглаш жараёни мусиқа идрокини ривожлантиришнинг турли усуллари (масалан мусиқага мос ҳаракатлар бажариш, болалар чолғуларида ижро қилиш ва яна шунингдек асар мавзуларини куйлаш кабилар) ўқувчиларда қизиқиш ва мусиқий диднинг шаклланишига ёрдам беради, уларда мусиқий эҳтиёжни шакллантиради.

Мусиқа идроки – мураккаб жараён бўлиб, унинг асосида эшитиш қобилияти, мусиқа мазмунини борлиқнинг акси сифатида тушиниш ётади. Тингловчи мусиқа асаридаги мусиқий образлар оламига кириб бораётгандай сезади гуёки ўзини. Лекин, мусиқадаги кайфиятни ҳис қилиш, сезиш - бу ҳали ҳаммаси эмас, энг муҳими асар ғоясини илғаб олишдир.

Мусиқа инсонга ифода воситалари комплекси - тембр, динамика, лад - гармоник тўплам ва метр –ритмлар орқали таъсир қилади, улар эса асар кайфиятини, инсон ички кечинмалари, ҳаётий ҳодисаларни ифодалайди.

Мусиқий образларни идрок қилиш тингловчида ўзига хос ижодий фаолият орқали кечади. Чунки у ўз ичига унинг шахсий (мусиқий эшитув ва ҳаётий) тажрибаларини олади. Натижада асар ғояси қандайдир бир муқаддас нарса сифатида қабул қилинади. Айнан шунинг учун ҳам мусиқашунослар мусиқани эшитгандай қилиб тинглаш – бу қалб, таффакур ва ўзига хос ижодиёт учун катта меҳнатдир дейдилар.

Мусиқани идрок этишнинг турли томонларига болалар аудиторияси билан бевосита иш олиб борган мусиқашунос амалиётчилар кўп марта эътиборларини ҳаратганлар, мисол учун рус мусиқашуноси Б. Л. Яворский мусиқани идрок қилиш асосида «фикрлаш, мусиқани аниқ, тушунарли нутқ каби идрок қилиш ётади» - деган эди (М.М.В.70 бет).

Шунинг учун ҳам у болалар мусиқанинг оддий шаклларини ўзлаштиришда ижодий ёндашишни тавсия қилган эди.

Мусиқа инсонга таъсир қилар экан, уни ҳаяжонлантириши, ўзига қизиқиш уйғотиши мумкин. Шодлик ва қайғу, орзу – умидлар, бахт нашидаси ва азобланиш – булар барчаси мусиқа ифодалай олиши мумкин бўлган ҳиссиётлар йиғиндисидир. Ўқитувчи буларнинг барчасини болалар идрок қилишлари ва англаб олишларига ёрдам бериши керак. У яна шунингдек ўқувчиларда мусиқага нисбатан эмоционал муносабатлар намоён бўлиши учун барча шароитларни яратиши зарур. Бу эса кўп ҳолларда дарсда тингланадиган мусиқа асарларига боғлиқдир. Бу асарлар юқори савияли, мазмуни бўйича болаларга яқин тушунарли бўлиши зарур (М.М.В. 70 бет).

Ҳар бир болада унинг ички дунёсига боғлиқ бўлган қизиқишлар олами мавжуддир. Шу билан бир пайтда уларнинг маълум бир ёш даврида умумий бирлаштирувчи пайтлар ҳам бор. Кичик мактаб ёшидаги болалар қувноқ, ҳаётбахш мусиқаларни севиб тинглайдилар. Уларни болалар дунёсини ифодаловчи жонли, образли, тушиниш учун осон мусиқалар қизиқтиради, ўзига тортади. Мисол учун умумтаълим

мактаблари мусиқа маданияти дарсларида ўқувчилар мазмуни бўйича оддий тушунарли бўлган мусиқа асарлари: С. Абрамованинг «Куз», ўзбек халқ куйи «Андижон полькаси», Ғофур Қодировнинг «Юриш марши», ўзбек халқ куйларидан «Дўлонча», «Асп бўламан», «Оқ теракми - кўк терак», Д. Зокиров қайта ишлаган «Жамалагим» каби куй - кўшиқларни тинглайдилар. (Д.Т.С бет қ).

Тинглаш учун тавсия қилинган мусиқа асарлари чоракдан – чоракка, йилдан – йилга мураккаблашиб боради. Иккинчи синфда болалар ўзбек халқ куйларидан «Дутор баёти», «Қашқарча», «Қари наво», «Оромижон», «Кўштор», «Чаманда гул», «Норим норим», «Хоразм лазгиси», А. Муҳаммедовнинг «Шоҳи сўзана», «Фарғонача», ўзбек халқ куйи «Олмани отдим», М. Мирзаевнинг «Баҳор вальси», ўзбек халқ куйи «Бойчечак», М. Глинканинг «Полька», ўзбек халқ куйи «Роҳат»; учинчи синфда эса Д. Зокировнинг «Байрам марши», Х. Абдурасуловнинг «Жазоир», ўзбек халқ куйи «Лолача», «Фарғонача тановар» Г. Хусайинлининг «Жўжаларим», Б. Умиджоновнинг «Хумо қушим» каби куй ва кўшиқларини тинглайдилар. Бу асарлар орқали ўқувчилар ўзбек халқ куйлари ва композиторлар ижод маҳсулининг танланган намуналари билан яқиндан танишадилар, уларда халқ мусиқаси ва композиторлар ижодига нисбатан ҳурмат ҳисси уйғонади, мусиқий дид шаклланади. (Д.Т.С. бет қ).

Ўқувчилар диққатига тинглаш учун мусиқа материаллини ҳавола қилишда уларнинг қанча муддат мусиқа тинглай олишларини эътиборга олиш зарур. Мисол учун 6 - 7 ёшли болалар бир – бир ярим, II - III – синф ўқувчилари уч минутгача чўзиладиган мусиқа асарларини тинч ўтириб тинглай олишлари мумкин. (Чернив. мет муз бет)

Тўртинчи синф ўқувчиларини кўпироқ мардлик, қаҳрамонлик мавзулардаги мусиқа асарлари қизиқтиради.

Ўсмирлар инсоннинг мураккаб ички дунёсини ифодаловчи, мусиқа тили билан замонавий муаммоларни ифодаловчи асарлар билан қизиқади. Улар айниқса ХХI асрнинг ўзига хос ритмли мусиқасини ёрқин ҳис қиладилар.

Ўқувчиларни мусиқани ҳиссиёт билан идрок қилишга тайёрлаш ҳар хил методлар ва усуллар билан олиб борилиши мумкин. Буларга ўқитувчининг кириш суҳбати, бошқа санъат асарларидан фойдаланиш, чолғу куйларининг асосий мавзуларини куйлаш кабилар қиради.

Мусиқа ҳақида ҳикоя қилиш жуда машаққатли иш. Кириш суҳбати учун ёрқин иборалар, образли таққослашлар топиш зарур.

Бадий асарлар - шеър, ғазал, ҳикоялардан келтирилган парчалар ҳам синфда эмоционал кайфият ҳосил қилишга ёрдам беради. Баъзи бир ҳолларда тасвирий санъат асарларидан фойдаланилади. Мисол учун 2 синф мусиқа маданияти дарсларининг иккинчи чорагида тинглаш учун Ик. Акбаровнинг «Баҳор», М. Мирзаевнинг «Баҳор вальси», ўзбек халқ кўшиғи «Бойчечак» каби асарлар тавсия этилади. Шу асарларни

тинглатиш жараёнида табиат манзаралари, уйғонаётган баҳор фасли тасвирланган картиналар, репродукциялардан фойдаланиш мумкин.

Яна шунингдек мусиқа тинглаш (мусиқа идроки) фаолияти жараёнида бошқа санъат турлари: тасвирий санъат асарлари, картиналардан кўчирмалар, ҳайкалтарошлик намуналаридан фойдаланиш мумкин. Улар болаларда маълум бир кайфиятларни ҳосил қилишга, мусиқий дидларининг шаклланишига ёрдам беради. Лекин мусиқа дарсида бошқа санъат турларига мурожат қилишда жуда эҳтиёткорона иш тутиш зарур. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, улар ўз ифода воситаси, имкониятларига эга бўлиб, улардан мусиқа тинглаш жараёнида ҳаддан ташқари кўп қўллаш фойда бермасдан, ҳатто аксинча зарар ҳам келтириш мумкин, улар ўқувчиларни мусиқани идрок қилишдан чалғитиб, мусиқа ва ўқувчи ўртасидаги алоқани узиб, мусиқа асарини иккинчи даражага чиқариб ташлаши мумкин. Шунинг учун ҳам мусиқа тинглаш фаолияти жараёнида техник воситалар ва кўргазмали куроллардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур, улардан фойдаланиш асосий мақсадга айланиб қолмаслиги керак (М.М.в шк 39).

Мусиқа ўқитувчиси бошқа санъат турлари бўйича етарли билимларга эга бўлиши зарур.

Мусиқа тинглатишни бошлашдан олдинги ўқитувчининг кириш суҳбати алоҳида аҳамиятига эгадир. У ўзининг кириш суҳбатида мусиқани болалар идрок қилишлари учун маълум бир йўналишлар бериши мумкин. Мисол учун ўқитувчи 4 синф ўқувчиларига: Анъанавий чолғу куйларидан : «Сурнай навоси» ни тингланг, сурнайнинг ўзбек халқ халқ мусиқаси оҳанглариини ёрқин ифодалашига қулоқ тутинг»- деб мурожат қилиши мумкин. Ўқувчиларнинг мусиқа асарларини тўлиқ идрок қилишлари учун йўналиш бериш, уларни нафақат керакли томонга йўналтириб қолмасдан, балки мусиқа асарларини тўлақонли англаб олишларига ёрдам беради.

Мусиқага бўлган эмоционал муносабатларни фаоллаштиришнинг бебеҳо усулларида бири болаларга ёқадиган чолғу асарларининг асосий мавзуларини куйлашдир.

Мусиқа ўқитувчиси ажойиб созанда бўлиши зарур. Бу ҳақда Д. Б. Кабалевский: «Ўқитувчи билиши зарур бўлган нарсалар ичида энг муҳими - унинг мусиқа асбобларини қандай даражада эгаллаганлигидир» - деган эди(мет муз 72 бет).

Албатта, болаларга хор ёки оркестр ижросини эшиттириш зарур бўлиб қолган пайтда мусиқа дарсларини механик ёзувларсиз тасаввур қилиш қийин. Лекин улар ўқитувчининг жонли ижросини алмаштирмаслиги, фақат уни тўлдирувчи бўлиши зарур. Ўқитувчининг жонли ижроси камида уч жиҳатдан муҳимдир:

биринчидан, жонли ижро синфда доимо кўтаринки, жонли кайфият ҳосил қилади;

иккинчидан, ўқитувчи мусиқа асарининг бирон бир парчаси, қисмини қайта ижро қилиш учун тўхташи, ҳатто асар бошига қайтиши ҳам мумкин;

учинчидан, ўқитувчи ижроси ўқувчиларига мусиқанинг жонли ижроси амалда қанчалик қизиқарли ва муҳим эканлигини кўрсатиш учун мисол бўлиб хизмат қилади. (М.М. В 31 бет).

Синф жиҳози эстетик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин, лекин улар мусиқа дарслари учун зарур бўлган муҳитни яратишга ёрдам бериши зарур.

Замонавий мусиқа дарсларини аудио - видео воситаларисиз тасаввур қилиш жуда қийин. Мусиқа тинглашиш учун мусиқа ёзувлари телевизор, видео магнитофон, DVD, компьютер техникаларидан кенг фойдаланиш керак. Улар ўқувчиларни турли хил ижролар (оркестр, хор, ансамбль) билан таништиради.

1.2. Мусиқа тинглаш фаолияти бўйича тавсия қилинган асарларга характеристика

Мусиқа тинглаш фаолияти бўйича ДТС да берилган асарлар болаларнинг ёш хусусиятлари, қизиқиш ва дунёқаршларига мос ҳолда танлангандир.

Биринчи синф йил мавзуси: «Биз мусиқани севамиз», 1 - чорак мавзуси эса «Биз ёқтирган куй ва қўшиқлар» деб аталади ва биринчи чоракда ўқувчилар куйидаги асарларни тинглайдилар. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси» бу асар шоир А. Орипов ва композитор М. Бурҳоновлар томонидан яратилгандир. Асар ўзининг тантановорлиги, улуғворлиги билан болаларда чуқур тассурот уйғотади. Мадҳия ҳақида болаларга ҳикоя қилишда композитор ва муаллиф ҳақида қисқача маълумот бериб ўтиш зарур. Яна шунингдек мадҳия ҳақида ҳикоя қилишда мустақиллик рамзлари, Давлат байроғи, Давлат герблари ҳақида ҳам ҳикоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Болаларнинг навбатдаги танишадиган асари композитор С. Абрамова ва шоир А. Рўзимуҳамедовларнинг «Куз» қўшиғидир. Мусиқа тинглашиш жараёнида ўқувчиларга, Ўзбекистонимизда кезаётган олтин куз, миллий бойлигимиз бўлган пахтамиз «оқ - олтин» ҳақида ҳикоя қилинади.

Ушбу чоракда ўқувчилар ўзбек халқ куйлари билан ҳам танишиб «Чертмак». (Якка дутор ёки дуторчилар ансамбли ижросида), «Андижон полькаси». «Олма пишганда галинг» хоразм халқ қўшиғи, «Дилхирож», «Дўлонча», «Олмача анор». «Алла» ва композиторлик ижодиёти намуналаридан Ф. Назаровнинг «Юриш марши» кабиларни ҳам тинглайдилар.

Ўзбек халқ мусиқаси ҳақида ҳикоя қилишда халқимизнинг бой мусиқа мероси, бу мероснинг асарлар оша ривожланиб - шаклланиб келганлиги ҳақида гапириш зарур. Композиторлик ижодиётига келганда эса мусиқа жанрларининг ранг – баранглиги, композиторлар марш мусиқасидан ташқари яна кўп жанрларда ижод қилишлари ҳақида гапириб ўтиш мумкин (ДТС бет).

Биринчи синф иккинчи чорак мавзуси: «Мусикали ўйинлар ва қўшиқлар» деб номланади. Бу чорак дарсларидаги мусиқа тинглаш фаолиятида ўқувчилар яна «Ўзбекистон Давлат мадҳияси» ни тинглайдилар. Ўқувчиларга мадҳия ва муаллифлар ҳақида яна ҳам кенгроқ тушинча берилади. Яна шунингдек бу чоракда ўқувчилар композиторлик ижодиёти намуналаридан Б. Ботиров шеъри, А. Мансуров мусикаси «Қўғирчоғим, ўйинчоғим», М. Мирзаевнинг «Янги тановар» Ўзбек халқ куйларидан «Асп буламан», «Уфори», Халқ болалар ўйинлари билан боғлиқ «Ок теракми, кук терак», Д. Зокиров фортепиано учун мослаштирган «Жамалагим» каби куй ва қўшиқларни тинглайдилар.

Мусиқа асарлари ҳақида ҳикоя қилишда чорак мавзусига кўпиноқ урғу бериш зарур(ДТС бет)

Биринчи синф учинчи чорак мавзуси: «Хушнаво чолғуларимиз» деб номланиб, унда болалар ўзбек мусиқа чолғулари билан танишадилар. Мусиқа тинглатишдан олдин мусиқа асбоблари ҳақида болаларга тушinarли ва қизиқarli ҳикоя қилиб бериш зарур. Улар ушбу чоракда мусиқа тинглаш фаолияти бўйича ўзбек халқ куйларидан (Дуторда) «Чертмак», «Дутор баёти», (Рубобда) «Доира усуллари», «Чаманда гул», «Олмани отдим», «Яллама ёрим», «Читти гул» «Олмача анор», «Бухорча» ўзбек халқ куйлари, ва композиторлик ижодиёти намуналаридан композитор И. Акбаровнинг «Айиқча» куйини тинглайдилар. (ДТС бет)

Биринчи синф тўртинчи чорак мавзуси: «Хушнаво чолғуларимиз» деб номланади. Ушбу чорак мусиқа тинглаш фаолияти жараёнида ўқувчилар ўзбек халқ куйларидан (чолғу ансамбли ижросида) «Чаманда гул», «Гулбаҳор», (найда), Чорий чанбар», Олма атиржон». «Гулёрахон», (танбурда) «Гулёрахон» (дутор ва танбурда) «Читти гул» ва композиторлик ижодиётидан М. Мирзаевнинг «Баҳор вальси», Н. Норхўжаевнинг «Каклигим» каби куй ва қўшиқларини тинглайдилар.

Мусиқа тинглатиш жараёнида ўқувчиларга ижрочиликнинг болалар учун янги бўлган тури – ансамбль ижрочиligи ҳақида ҳикоя қилинади (ДТС бет)

Иккинчи синф йил мавзуси «Ижрочилик турлари, мусиқанинг ифода воситалари», 1 чорак мавзуси эса «Якканавозлик, жўрnavозлик ва жўрсозлик» деб номланади. Ўқувчилар иккинчи синф биринчи чорагида мусиқа тинглаш фаолияти бўйича «Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси» ва ўзбек халқ куйларидан «Дутор баёти», «Қашқарча»ларни (даста ижросида), «Қари наво» (чолғу дастаси ижросида), «Усмония» (чолғу дастаси ижросида), «Оромижон» (рубобда), «Қўштор» (дуторда) ва композиторлик ижодиёти намуналаридан Д. Зокировнинг «Гулхан» каби асарларини тинглайдилар.(ДТС бет)

Иккинчи синф иккинчи чорак мавзуси: «Якканавозлик ва яккахонлик чолғучилар ва хонандalar дасталари» деб номланади.

Ўқувчилар мусиқа тинглаш фаолияти жараёнида ўзбек халқ кўшиқларидан «Чаманда гул», (дуторчи қизлар дастаси ижросида), ўзбек халқ куйларидан «Норим - норим», «Хоразм лазгиси» (даста ижросида), «Уфори ганжи қорабоғ» хоразм халқ куйи (афғон рубобида), «Дилхирож» (дутор) ва И. Акбаровнинг «Гуллола» куйларини тинглайдилар.

Иккинчи синф учинчи чорак мавзуси «Даста турлари. Куй нима, Куйда нималар ифодаланади?» деб номланиб, ўқувчилар мусиқа тинглаш фаолиятида «Соғлом авлод кўшиги» Ш. Ёрматов мусиқаси, «Ўзбегимдан айланай» Н. Норхўжаев мусиқаси, «Қашғарча» ўзбек халқ куйи, «Шоҳи сўзана» А. Муҳамедов мусиқаси, «Ҳалинчак» (Болалар хори ва чолғу дастаси), «Фарғонача», «Шодмон», «Боғларга баҳор келди» ўзбек халқ куйи, «Олмани отдим» (2 жанр), ўзбек халқ куй ва кўшиқларини тинглайдилар.

Иккинчи синф тўртинчи чорак мавзуси «Мусиқанинг ифода воситалари» деб номланиб, ўқувчилар мусиқа тинглаш фаолияти жараёнида «Баҳор» А. Раҳмат шеъри, И. Акбаров мусиқаси, «Музқаймоқ». Х. Қаямов шеъри, А. Мансуров мусиқаси, «Баҳор вальси» М. Мирзаев мусиқаси, «Бойчечак» ўзбек халқ кўшиғи, «Шодиёна» ўзбек халқ куйи (карнай, сурнай, доира, ноғорада), ўзбек халқ рақс куйларидан «Қашқарча», Рок уфориси каби куй ва кўшиқларни тинглайдилар. (ДТС бет)

Учинчи синф йил мавзуси «Мусиқанинг ифода воситалари», биринчи чорак мавзуси эса «Мусиқанинг ифода воситалари» деб номланади.

Ушбу синф биринчи чорагида ўқувчилар мусиқа тинглаш фаолиятида ўзбек халқ куйларидан «Дилхирож», «Роҳат» «Олмача анор», композиторлик ижодидан Ғ. Қодировнинг «Рақс», М. Мирзаевнинг «Жонон» каби куйларини тинглайдилар.

Учинчи синф иккинчи чорак мавзуси: «Хор ва оркестр» деб номланиб, унда ўқувчилар хор ва оркестр мусиқаларидан Д. Зокировнинг «Байрам марши», С. Бобоевнинг «Ёрилтош» операсидан хор, С. Жалилнинг «Ҳосил тўйи байрами» каби асарларни тинглайдилар.

Учинчи синф учинчи чорак мавзуси: «Мусиқанинг тузилиши» деб номланади. Унда ўқувчилар ўзбек халқ куйларидан «Лазги», «Норим - норим», «Дилбар», ва Н. Норхўжаевнинг «Диёр мадҳи», Д. Омонуллаеванинг «Туркистон фарзандларимиз» каби кўшиқларини тинглайдилар.

Учинчи синф тўртинчи чорак мавзуси: «Оддий мусиқа шакллари. Банд ва нақорат» деб номланиб, унда ўқувчилар «Ўзбекистон Давлат мадҳияси», ўзбек халқ куйларидан «Фарғонача тановар», қорақалпоқ халқ куйи «Булбул» каби мусиқа асарларини тинглайдилар. (ДТС бет)

Тўртинчи синф йил мавзуси «Ўзбек халқ мусиқа ижоди» биринчи чорак мавзуси эса «Халқ айтимлари ва чолғулари» деб номланиб, ўқувчилар ушбу чорак дарслари мусиқа тинглаш фаолиятида «Ох

лайли» ўзбек халқ қушиғи, «Билагузук». ўзбек халқ лапар, «Хур республикам». А. Мансуров мусиқаси, Х. Қаюмов шеъри, «Яллама - ёрим» ўзбек халқ яллеси, «Фабрика» ўзбек халқ қўшиғи, «Қалбимда» С. Жамол мусиқаси ва «Ажам ва тароналари» каби анъанавий чолғу куйларидан тинглайдилар.

Тўртинчи синф иккинчи чорак мавзуси «Байрам ва маросим қўшиқлари» деб номланиб, ўқувчилар ушбу чоракда мусиқа тинглаш фаолияти бўйича ўқувчилар чолғу куйлари туркумидан намуналар: «Шодиёна», анъанавий чолғу куйи «Сурнай навоси» ўзбек халқ куйлардан «Норим - норим», «Дилхирож», анъанавий чолғу куйлардан «Дувача», «Рамазон» айтимларидан намуналар, «Янги тановар», М. Мирзаев мусиқаси, аллалардан, ёр - ёр лардан намуналар, «Дорбози» анъанавий чолғу куйларидан тинглайдилар.(ДТС бет)

Мусиқа идроки дарс машғулотида етакчи фаолият сифатида муҳим ўрин тутди. Мусиқани идрок қилиш ўқувчиларда мусиқага бўлган қизиқишларини оширади, Уларни мусиқанинг сирли оламига олиб кириб, гўзаллик туйғусини тарбиялайди, мусиқий дидларини шакллантиради. Бу эса келажакда ҳар томонлама етук инсонларнинг шаклланишига ёрдам беради.

1.3. Жамоа бўлиб куйлаш, ўқувчиларни умумий ва мусиқий томондан ривожлантирадиган фаолиятдир.

Бошланғич синфларнинг ҳар бир ўқув йилида 12 - 14 та қўшиқ ўргатилади, шунга қараб, мусиқа саводи ва мусиқа тинглаш учун асарлар ўргатилади. Бошланғич синф ўқувчилари асосан, бир овозли қўшиқлари соф унисонда куйлаш малакаларини пухта ўзлаштирадилар ва айрим ҳолларда кўп овозликка ўтишга тайёргарлик кўрилади.

Иккинчи синфнинг иккинчи ярмидан бошлаб, икки овозлик элементи бор қўшиқлар киритилган. III - IV синфларда ўқувчиларнинг овоз аппаратлари шаклланган бўлиб, икки овозли қўшиқларни куйлаш, кўникма ва малакаларга эга бўладилар. Шунга кўра оддийдан мураккабга принципи асосида мусиқий асарлар танланади. Бошланғич синфларда қўшиқ куйлаш малакаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусиятлари мавжуддир.

Болаларнинг мусиқий ўқув ва мусиқий дидларини ривожлантиришда айниқса, вокал - хор ишларининг аҳамияти катта. Бунда ўқувчиларни куйлашга қизиқтира олиш кўп жиҳатдан ўрганадиган ҳар бир машқ ёки қўшиқ ўқитувчи томонидан чиройли қилиб куйлаб беришга боғлиқ. Чунки ёш болалар билан олиб бориладиган вокал - хор иши кўпинча ўқитувчи овозига тақлид қилиб куйлашга асосланади. Шунинг учун ўқитувчи ёқимли овози устида мунтазам иш олиб бориши керак. Вокал - хор ишларини амалга оширишда ўқитувчи овоз созлаш ва қўшиқ ўргатиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларнинг овоз диапозони (до₁ - до₂), ишчи

диапазони (ми₁ - фа₁-соль₁), примар товушларида куйлаш учун кулай бўлган (соль₁-ля₁) товушларини аниқ билиши лозим.

Муסיқа маданияти дарсларида кўшиқ ўргатиш бир неча босқич жараёнида амалга оширилади:

Болалар диққатини кўшиққа жалб қилиш.

Кўшиқ ҳақида ўқитувчининг кириш сўзи (кўшиқ муаллифлари, асарининг мазмуни, тарихий хусусиятлари ҳақида қисқача хикоя қилиш).

Кўшиқнинг таҳлил қилиниши (муסיқа ифода воситалари, лади, характери мазмунини суҳбат йўли билан белгилаш).

Кўшиқни муסיқий жумлаларга бўлиб ўргатиш (тўғри нафас олиб, жумлани охиригача тежаб етказиш, ижрочилик сифатлари устида ишлаш).

Кўшиқни бадий ижросига эришиш (кўшиқ ҳақидаги болалар таассуротлари юзасидан қисқа суҳбат ўтказиш яъни умумлаштириш).

Болаларнинг овоз аппарати, муסיқий уқуви, хотираси, муסיқий қобилияти, ёшига қараб ўсади. Шунинг учун кўшиқ куйлаш ва ўргатиш жараёни мураккаблашиб, икки овозли асарлар нотага қараб куйлаш малакаси, жўрсиз ашула айтиш (акапелла) канон, каби мураккаб шаклдаги асарлар режага киритилади. Икки овозли асарлар ўқувчиларнинг муסיқий қобилиятларини, гармоник уқувини ўстириш билан бирга хордаги овозларни диққат билан тинглаб ҳар бир овозни партиясини мустақил куйлашга ўргатади. Нотага қараб машқларни, кўшиқларни куйлаш ўқувчиларни муסיқа саводидан олган билимларини онгли равишда куйлашга ўргатади. Жўрсиз кўшиқ куйлаш эса оҳангдошликка, соф интонацияга, аниқ талаффузга, нафасни жумла охиригача етказишга, диққатни кучайтиришга ёрдам беради. ўрта синфларда хор бўлиб куйлаш фаолиятининг асосий мақсади, болалар овозини табиий хусусиятларини жарангдорлигини, сақлаб қолиш, овоз аппаратларини мустаҳкамлаб, овоз диапазонини кенгайтириш, мураккаб шаклдаги кўшиқларни куйлашга ўргатиш. ўқитувчи репертуар танлаганда ўқувчиларни завқи, иштиёқини, дидларини ва ёшини ҳисобга олган ҳолда янги кўшиқлардан режага киритиш лозим.

Ўқитувчи кўшиқ ўргатиш жараёнида кўргазмали ва амалий методлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

II боб Муסיқий қобилят, ижодкорлик каби хусусиятларни тарбиялаш орқали ўқувчиларнинг муסיқий дидларни шакллантириш

2.1.Рақс ҳаракатлари бажариш, болалар чолғуларида ижро қилиш фаолиятлари орқали ўқувчиларнинг муסיқий дид ва қобилятларини ривожлантириш масалалари

Бошланғич синфларда ритмик ҳаракатларни бажариш, ўқувчиларни жисмоний ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич синф ўқувчилари, овоз аппаратлари нозик, диққат

эътибори тарқоқ серҳаракат, ўйинҳароқ, хотираси, нутқи тўлиқ ривожланмаган бўлганлиги сабабли мусиқа дарсида фаолият турлари тез-тез алмашиб туриши лозим. Мусиқага мос рақс, ўйин ҳаракатларини бажариш, ўқувчиларни диққатини жамлашда, хотирасини мустаҳкамлашда ва жисмонан ўсишга ёрдам беради. Дарс давомида куйидаги ҳаракат турларидан фойдаланиш тавсия этилади: марш мусикаларига кадам ташлаш, югуриш, рақс элементларини бажариш, мустақил ўйинлар ўтказиш, мусиканинг характерига мос, турли кўл ва тана ҳаракатлари бажариш ва ҳ.к.

Маълумки, миллий мусикамиз маданиятида рақс муҳим ўрин тутди ва унга ҳар бир бола қизиқади. Рақс ҳаракатлари мусиқа дарсида ўқувчилар фаоллашувини оширади. Энг муҳими шундаки, рақс ва ритмик ҳаракатлар воситасида болаларнинг мусиқий иқтидори, ритм туйғуси фаол ривожланади. Ҳар бир ҳаракатни бажаришдан олдин, унга доир мусиқа мазмунини аввал онгли равишда тинглаб ёки куйлаб, сўнгра ҳаракатлар бажариш яхши натижа беради. Болалар мусикали ўйинларга ҳам жуда қизиқадилар. Кўп мусиқий асарлар мазмунида ўйин методларидан фойдаланиш мумкин. Дарс жараёни бажарилган ҳар бир мусиқий ҳаракат тури, мусикали ўйинлар, ўқувчиларнинг хотирасини мустаҳкамлайди, нутқини ўстиради, жисмоний соғлом бўлишига кўмаклашди ва уларни руҳлантириб, мусиқа дарсига қизиқишини оширади. Чунки, бошланғич синф ўқувчилари диққат эътибори тарқоқ, овоз аппаратлари, кучсиз, мусиқий уқув қобилиятлари тўла шаклланмаган, серҳаракат, ўйинга мойил бўладилар. Бунда дарснинг тузилиши педагогик мақсадларга қараб, дарсни хоҳлаган мусиқа фаолиятидан бошлаш мумкин. Бундан мақсад, ўқувчиларни мусиқага қизиқтира олиш, мусиқий қобилиятларини ўстириш, дарс фаолиятларини бир-бири билан чамбарчас боғлаб, мазмун жиҳатдан мантиқий бир бутунликка эришишдир. Демак, янги дастур мазмунида дарс ўтиш учун, мусиқа ўқитувчиси ижодкор бўлиши, мусикадан зарур билимларга ҳамда ашулачилик малакаларига эга бўлиши лозим.

Болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш. Бу фаолият тури энг қизиқарли машғулотдир, чунки болалар чолғу асбоблари жонли, товушли ўйинчоқлар сифатида ҳар бир ўқувчини қизиқтиради. Болалар чолғу асбоблари биринчи навбатда ўқувчиларда ижрочилик элементлари орқали ижодкорлик, мусиқий уқув қобилиятларини ривожлантиради.

Мусиқа дарсларида болалар чолғу асбобларидан фойдаланиш яхши натижалар бериш билан бирга ўқувчиларни дарсга интилувчанлигини, қизиқишини, мусиқий уқув ва мусиқий дидларини оширади.

Болалар чолғу асбобларида ритмик, жўр бўлиш графикда кўрсатилган ритмик тузилмаларга қараб, чалиш ҳам ўқувчилар ижодкорлигини оширади, фаоллаштиради, ижрочилик малакаларини ва мусиқий қобилиятларини ривожлантиради.

2.2. Ўқувчиларни мусиқий томондан ривожлантиришда мусиқа ижодкорлиги фаолиятининг аҳамияти

Мактабда ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида ўқитувчи таълимни тарбия билан бевосита боғлаб олиб бориши керак. Бу ишда мусиқа дарснинг имкониятлари бениҳоя каттадир. Мусиқа инсон руҳи ва ақлий ривожига ўзининг таъсирини ўтказади ва унинг эстетик ҳиссиётини фаоллаштиради.

Ижодий фаоллик ўқувчилар тафаккурининг ўсишга, хотиранинг ривожланишига, мусиқани онгли идрок этишга ёрдам беради. Бунда ўқувчиларнинг ёши ва имкониятларига мос келадиган репертуар танлаш, уларнинг ижодий фаоллигини ошириш зарурий шартидир. Репертуар мазмунан бой, ранг - баранг, ўқувчиларнинг идрокига мос ва тарбиявий қимматга эга бўлиши керак.

Мусиқа дарсларининг самарали бўлиши синфда ўқувчиларни ижодий фаоллигини оширишга ҳам бевосита боғлиқ. Ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш ўқитувчининг сўз маҳоратига, мулоқат қилиш санъатига эга бўлишни тақозо этади. Ўқитувчи қизиқарли ҳикоя ва суҳбати билан болалар диққатини асар мазмунига, мусиқий образларга жалб этади. Композиторларнинг ижодий биографиясига оид ҳикоябоп қизиқарли воқеа ва лавҳалардан парчалар келтириш,, бирон бир асарнинг яратилиши тарихини баён қилиш билан ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш қобилиятини ўстиради, мусиқа ҳақидаги билим доирасини янги маълумотлар билан бойитади.

Ҳар бир мусиқа дарсида ўқитувчи томонидан ижро этиладиган куй ва қўшиқлар ёкимли, чиройли, ҳамоҳанг қилиб ижро этилиши лозим. Чунки ўқитувчининг таъсирли ижроси ўқувчиларни асарга қизиқтириш учун жонли восита ҳисобланади. Хусусан, ўзбек мусиқаси ва миллий чолғу асбобларидан кенг фойдаланиш, дарснинг янада жонли ва қизиқарли ўтишни таъминлайди. Ўзбек мусиқаси билан бир қаторда қардош ва хорижий халқларнинг мусиқасини ўрганиб бориш ўқувчиларни ватанпарварлик ва байналминаллик руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ўстириш учун дарс жараёнида «Мен ёқтирган куй ва қўшиқлар», «Мен севган композитор» каби мавзуларда мунозарали суҳбатлар баҳслар уюштириш, ўқувчиларга қизиқарли уй вазифалари бериш, топишмоқ ребуслар ўйлаб топиш, илғор ўқувчиларни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, мусиқа дарсларида турли ҳаракатлар билан бажариладиган ўйин элементларидан фойдаланиш дарснинг самарали бўлишига ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш ўқитувчидан маҳсулиятли, ўта изланувчан, ижодкор, топқир, яъни болаларда ижодий завқ уйғота олиш маҳоратига эга бўлишни талаб этади.

Ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлашда бир-бирига боғлиқ учта йўналиш мавжуддир.

Улардан бири болалар ҳаётий ва мусиқий тасаввурларни бойитишдир. Мисол учун эртақлар, шеър, халқ анъаналари, китоб қаҳрамонларини билиш у ёки бу мусиқий ўйинларни ўтказиш учун асос бўлади.

Иккинчи йўналиш ўқувчиларни ижодий ҳаракатлар воситалари билан таништиради. Шу мақсадда уларга оддий куйларни, кўшиқларни бир-бирига қиёслаш таклиф қилинади. Мусиқий ижодкорлик намуналари берилади. Мисол учун ритмик киришни ижод қилиш топширилади.

Учинчи йўналиш ижодий ҳаракатлар усуллари эгаллашни назарда тутди. Дастлаб педагогнинг ўзи уларни кўрсатиб беради: кўшиқ ёки куйни биргаликда таҳлил қилгандан кейин унинг ижро режасини у ёки бу ижодий вазифа қандай ижро қилинса кўнгилдагидек чиқишини исботлаб беради.

Болаларга яхши таниш кўшиқлар воситасида ладнинг бир хил поғоналарининг кўшилишидан ҳар хил мусиқий образлар тузиш мумкинлигини, мусиқа характери ҳар - хил ифода воситаларининг кўшилиши натижасида ҳосил бўлишни болаларга тушунтирилади. Келажакда олинадиган тажрибалар натижасида болалар ўзлари «ижод» қила бошлайдилар. Ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш катта аҳамиятга эгадир. Мисол учун улар куй вариантларини ўйлаб топишлари учун етарли даражада оҳанг ритмик тажрибага эга бўлишлари зарур. У эса маълум бир изчилликда шаклланади. Шунинг учун ҳам бундай вазифаларни ҳал қилишдан олдин шакрий матн ритмик, шакл, куй тузилишлари ўрганилмоғи керак.

Ўқувчилардаги ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг актив воситаси уларга ижодий вазифалар беришдир. Уларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши кўпчилик ҳолларда ўқитувчига, унинг шахси, қизиқувчанлиги, ижодиёт жараёнида қатнашишига боғлиқдир.

Ўқитувчи маълум бир ҳолатларни ҳосил қилиб уларни ижодий ҳаракатларга ундайди. Кичик мактаб ёшидаги болаларда ижодий ташаббусларни фаоллаштириш учун у ўйин шаклидаги ижодий вазифаларни таклиф қилади.

Вазифаларнинг тўғри бажарилишига у томонидан тушунтирилган ўйин қондаси ва сюжет мазмуни катта ёрдам беради. Дарсдаги ўйинлар эса эмоционал ҳозиржавобликни, эркин муҳитни шакллантиради. Бу эса жуда муҳим бўлиб, болалардаги ижодий имкониятлар ана шундай шароитда тўла - тўқ рўёбга чиқади.

Ўйинлар шарт ва мазмунининг аста - секин мураккаблашиши, ўқувчилар мусиқий тажрибалари, ижодий имкониятларининг бойиб боришига ёрдам беради.

Ижодий фаолият жараёнида ўқувчиларнинг мустақиллиги кенгайиб боради. Агар дастлаб ўйинни ўқитувчи олиб борса, кейинчалик уни ўқувчилар олиб борадилар. Баъзан улар ўз ўйинларини ўйлаб

топадилар ёки оддий ўйинларни мусикий ўйинларни мусикий ўйинларга айлантиради.

Барча ижодий вазифалар маълум бир изчилликда бажарилади. Мисол учун ифодали ҳаракатларни топиш учун болалар дастлаб мусиқа асарини тинглайдилар, унинг характери ва мусиқа ифода воситаларини аниқлайдилар. Кейин улар у ёки бу ҳаракатларнинг мумкин бўлган вариантларини аниқлайдилар.

Ўйлаган, кўзда тутилган нарса жамоа бўлиб ёки якка муҳокама қилинади. Ижодий ечимнинг натижаси асарнинг ифодали ижросидир.

Бажарилган вазифани баҳолашда мусикий тимсолларни тушиниш даражаси композицияни сайқаллаштириш учун ҳаракат, асарни «авторнинг» ўзи ифодали такрорлаши каби ҳолатлар эътиборга олиниши зарур.

Одатда ижодиёт ҳар томонлама ўйлаб чиқилган ва уни амалга оширувчи воситалар, натижаларни ўз ичига олувчи ёйиқ жараёндир. Айнан Яворский ижодиётининг тарбиявий аҳамиятини юқори баҳолаб ана шундай ижодиёт ҳақида гапириб ўтган эди. (АД М.М.в шк)

Мусиқа тарбиясининг дастлабки даврларида ифодали усуллар кўшиқларни чекланган поғоналарда ижод қилиш муҳимдир. Ана шунда ўқувчи мусиқа тинглаш, кўшиқ куйлаш, чолғу асбобларида ижро қилиш жараёнида олган аниқ таассуротлари билан бемалол иш кўриши мумкин.

Ижодкорлик мусикий тимсолий тасаввурларининг бойишига ёрдам беради. Бу эса ўқувчиларнинг мусикий умумий ривожланишининг муҳим шартидир. Ижод жараёни импровизация ҳам холи эмас.

Ўқитувчи ҳар хил мусиқа фаолиятлари жараёнида: мусиқа тинглаш, куйлаш, болалар чолғу асбобларида ижро қилиш, рақс ҳаракатлари бажаришда ўқувчиларнинг ижодий томондан ривожланишига катта эътибор ҳаратиши лозим. Аввалига кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар рақс ҳаракатлари, оддий чолғу асбобларида ижро қилиш билан боғлиқ ижодий вазифаларни енгил хал қиладилар. Улар ўз ижодларини ҳар томонлама ўйлаб чиқадиладар, сайқаллаштирадиладар ва ифодали қилиб такрорлайдиладар.

Кўшиқ куйлашда болалар учун келадиган ижодий қийинчилик(овоз билан эшитувнинг мувофиқлашмаслиги) аста-секин йўқолиб боради. «куйламайдиган» болалар ўзларини ижодий имкониятларини ҳаракатларида болалар чолғу асбоблари ижросида куйловчи болалар эса кўшиқ куйлашда намоён қилишлари мумкин.

Асосийси - ўқитувчи мусиқа маданияти дарсларида ҳар хил қабилиятлар бўйича турли вазифалардан фойдаланиши зарур. Шундай қилиб ладга хос характерли оҳанглари ўзлаштиришда ўқувчилар нафақат поғоналардаги характерли мотивларни ижод қилиши, балки уларни мусиқалаштириш ҳам зурур. Бу кўшиқ кўникмалар кўшиқ материали устида иш олиб боришда чуқурлаштириб борилади. Унда эса ҳар хил ижодий вазифалар бўлиши мумкин. Мисол учун ритмик жўрнавозлик ўйлаб топиш ва хоқозолар. Мусиқа тинглаш учун

танланган асарларга ўқитувчи томонидан танланган оддий ритмик партитурларни ўқувчилар ижро қилар эканлар мусиканинг ифода воситалари ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Мусиқа жанрлари ҳақида тушинча берувчи вазифалар жуда катта аҳамиятга эгадир. Мунтазам равишда олиб борилаётган ижодий вазифалар ўқувчилар олдига қўйилган вазифаларнинг мувоффақиятли ҳал қилинишига ёрдам беради. Мураккаблиги бўйича турлича бўлган вазифаларни 1 - синфдан бошлаб мусиқа дарсларига киритиб бориш зарур. Мусиқа дарсида ҳар бир бола ўзини ижодий томонидан намоён қила олиши учун имкон яратилиши зарур.

Мусиқа дарсларида ўқувчилар ижодкорлиги албатта санъат эмас у фақатгина ўрганиш - изланиш бўйича мусикий амалиётдир холос. Ўқувчилар ижодкорлиги шу билан ҳам қадрлики болалар ўзларига мусиқа оламида илгари таниш бўлмаган нарсаларни билиб оладилар.

Болалар ижодкорлигининг тарбиявий аҳамияти етарли даражада юқори баҳоланади. Унинг тарбиявий қиммати шундаки у ана жараённинг ўзида намоён бўлади. Чунки ўқитувчига ўқувчи мусикий фикрлаши йўналишини кузатиб бориши имконини беради. Ўқувчилардаги ижодий кўриниш юқорида айтиб ўтилганидек оддий оҳангларни куйлашда, берилган матнга куй яратишда, урма мусиқа асбобларида ижро қилишида намоён бўлиши мумкин.(М.М.в шк)

Ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш катта аҳамиятга эгадир. Мисол учун оҳангларнинг турли хилларини ўйлаб топиш учун ўқувчилар етарли даражада интонацион оҳанг тажрибасига эга бўлишлари лозим. Давлат таълим стандартларида бошланғич синф мусиқа маданияти дастурига биринчи марта киритилган болалар мусиқа ижодкорлиги фаолиятининг аҳамияти жуда каттадир, у биринчидан мусиқа тарбиясининг умумий талабларига жавоб беради, болаларни мусикий-ижодий томондан ривожлантириш имконини яратади.

Иккинчидан, бу фаолиятнинг мусиқа тарбияси жараёнига киритилиб Ўзбекистон республикаси умумтаълим мактабларидаги мусикий тарбия тизимини жақон таълим тарбия тизимларига яқинлаштиради. Чунки кўпгина давлатлар умумтаълим мусикий тизимида болалар ижодкорлигига катта эътибор берилади. Шуниси қувонарлики Давлат таълим стандартининг бошланғич таълим дастурида болалар мусикий ижодкорлиги учун танланган мусиқа асарлари болалар учун таниш, улар кундалик қаётда мунтазам дуч келадиган асарлардан иборатдир. Бу эса мусиқа маданияти дарсларида ўқувчилар мусикий ижодкорлиги фаолиятини олиб боришда маълум енгилликлар яратади.

Шундай қилиб бошланғич синфлар мусиқа маданияти дарсларига киритилган мусиқа ижодкорлиги фаолияти ўқувчиларни мусикий томондан ривожлантириш ва уларнинг мусикий дидларини шакллантиришда кўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш, болалар чолғу

асбобларида ижро қилиш фаолиятлари билан бир қаторда катта аҳамиятга эгадир.

Хулоса

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда муҳим сиёсий - ижтимоий ўзгаришлар бўй берди. Хусусан, "Таълим тўғрисида" қонун қабул қилиниб, тўққиз йиллик умумий ўрта таълим тизими жорий этилди. Мусиқа дарслари мавзусининг қизиқарли бўлиши ва таълим самарадорлигини ошириш мақсадида рақс ва мусикали - ритмик ҳаракатлар, чапакда ва болалар чолғу асбоблари — шикилдоқ, доирача, қошиқ ва бошқаларда мусиқага жўр бўлиш ҳамда мусиқа ижодкорлиги каби янги мусиқа фаолиятлари қўлланилади

Ўқувчиларида мусиқий дидни ривожлантириш асоси мусиқа идроки бўлиб, у қўшиқ куйлаш, мусиқа ижодкорлиги ва яна бир қанча фаолиятлар ичида дарс машғулотларида етакчи фаолият сифатида муҳим ўрин тутди. Мусиқани идрок қилиш, ўқувчиларда мусиқага бўлган қизиқишларини оширади, уларни мусиқанинг сирли оламига олиб кириб, гўзаллик туйғусини тарбиялайди, мусиқий дидларини шакллантиради. Бу эса келажакда ҳар томонлама етук инсонларнинг шаклланишига ёрдам беради. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мен битирув малакавий иш мавзусини: «Бошланғич синф ўқувчиларида мусиқий дидни ривожлантириш» деб олдим ва битирув малакавий ишнинг биринчи бобида мусиқа тинглаш (мусиқа идроки) қўшиқ куйлаш фаолиятларининг узига хос хусусиятлари ва аҳамияти, мусиқа фаолиятларининг бошқа турлари бўйича ДТС берилган асарларни таҳлил

қилдим ва ўқувчилар ёш хусусиятлари ва музика тинглатиш методлари каби масалаларни атрофлича ёритишга ҳаракат қилдим.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида эса музика қобилият, ижодкорлик каби хусусиятларни тарбиялаш орқали ўқувчиларнинг музика дидларни шакллантириш, рақс ҳаракатлари бажариш ва болалар чолғуларида ижро қилиш фаолиятлари орқали ўқувчиларнинг музика дид ва қобилиятларини ривожлантириш масалалари ва ўқувчиларни музика томондан ривожлантиришда музика ижодкорлиги фаолиятининг аҳамияти очиқ беришга ҳаракат қилдим.

Ўқувчиларда музика дидни шакллантиришнинг асосини, юқори савиядаги музика асарлари ва уларни узлаштиришга қаратилган актив музика фаолияти ташкил қилади. Тўғри ташкил қилинган музика тинглаш жараёни музика идрокини ривожлантиришнинг турли усуллари (масалан ҳаракатлар, болалар чолғуларида ижро қилиш ва яна шунингдек асар мавзуларини куйлаш кабилар), юқори бадий савиядаги хор асарлари ўқувчиларда қизиқиш ва музика диднинг шаклланишига ёрдам беради, уларда музика эҳтиёжни шакллантиради.

Умумтаълим мактаблари ДТС ларида тинглаш, куйлаш, рақс ҳаракатлари бажариш ва бошқа фаолиятлар учун мўлжалланган асарлар талаб даражасида берилган. Айтиб ўтиш керакки, ўқитувчи дастурга киритилмаган, аммо бадий юксак, тарбиявий жиҳатдан муҳим ва ўқувчилар идрок - амалиётига мос бўлган, уларда музика дидларни шакллантирувчи янги асарлардан кенг фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эгадир.


Фойдаланилган адабиётлар.


1. Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури 6- махсус сон. Музика. «Шарк» матбаа концерни М., 1999 .
2. Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури 7- махсус сон. Музика. «Шарк» матбаа концерни М., 1999 .
3. Апраксина О. Методика музыкального воспитания в школе. «Просвещение» М., 1983.
4. Апраксина О. Из истории музыкального воспитания. «Просвещение» М., 1990 .
5. Дмитриева Л. Г. Черноиваненко Н. М. Методика Музыкального воспитания в школе. М., 1989.
6. Кабалевский Д. Б. Музыка в начальных классах. М., 1985.
7. Кабалевский Д. Б. Как рассказывать детям о музыке. «Просвещение» Т., 1989.
8. Нурматова М. А. «Музыка ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари» фани бўйича маъруза матнлари. Ург., 2007.
9. Омонуллаев Д., Нурматов Х ва бошқ.. 1- синфда музика дарслари Т., 2000.
10. Омонуллаев. Д. Ёрматов Ш. Ибрагимов. Программы по общобразовательных школ по музыке.

- 11.Омонуллаев Д. Ибрагимов О. Ёрматов Ш. Музыка. 8- синф учун дарслик. «Укитувчи».Т. ,1995
- 12.Омонуллаев Д. Мактабда мусика тарбияси методикасидан лекциялар курси Т.1990.
- 13.Узбек мактабларининг I - IV синфлари учун программалар. «Укитувчи» Т..1991.
- 14.Халабузарь П., Попов В., Добровольская Н. Методика музыкального воспитания в школе. М., 1990.

Иловалар

Салом мактаб
Биринчи марта биринчи синфга








Музыка фаолияти турлари

Музыка тинглаш




Тинглаб рақсга тушамиз.

Андижон полькаси. Халқ куйи.

Шўх



Жамоа бўлиб куйлаш



Муסיқага мос ҳаракатлар бажариш




Болалар чолғуларида ижро қилиш

Чертмак
халк куйи



Солист-яккахон хонанда ёки яккахон хонанда бўлиши мумкин



Болалар мусиқа ижодкорлиги

Акс –садо ўйини



Ўқитувчи айтади:



Соль



Фа



Ми



Соль Ми

Ўқувчилар такрорлайдилар:



Соль



Фа



Ми



Соль Ми